

Шикоятни кўриб чиқиш муддати

кун

1-чи

Руйхатдан
ўтказиш



3-чи

Бирламчи
баҳолаш



5-чи

Ўзма хабар бериш




14-чи

Аризани
кўриб чиқиш



15-чи

Якуний қарор



Шикоятни тақдим этиш:



Шикоятлар ўзбек, рус ва инглиз тилларида қабул қилинади.



Шикоят яқка тартибда ёки жамоа номидан берилиши мумкин.



Таъсир кўрган томонлар шикоят бериш учун ўз вакилини тайинлашлари мумкин.

Шикоят ва таклифлар қуйидаги каналлар буйича қабул қилинади:



оғзаки равишда - телефон, шунингдек маҳалла қўмитаси ёки лойиҳа идорасига ташриф буюриш орқали;



ёзма равишда - почта хизмати орқали;



электрон шаклда - электрон почта ёки Телеграм орқали.




Шикоятлар ва таклифларни кўриб чиқиш механизми

ШТКЧМ



Лойиҳа бўйича шахсий ва жамоавий шикоят ва таклифларни самарали ва тезкор равишда кўриб чиқишга хизмат қилади



Яшил иқлим жамғармаси (ЯИЖ) томонидан молиялаштирилаётган БМТТД, ФВВ ва Узгидрометнинг «Ўзбекистон аҳолисининг иқлим ўзгариши натижасида юзага келадиган хавф-хатарларга nisbatan чидамлилигини оширишга қаратилган комплекс эрта огоҳлантириш тизимини такомиллаштириш» қўшма лойиҳаси



Тел.: +998(71) 235-85-13, +998(93) 501-86-57

Телеграм: +998(93) 501-86-57

Почта: nilufar.kayumova@undp.org

Лойиҳа идораси манзили:

Ч. Айтматов кучаси 72, Тошкент шаҳри.

Ўша жойдаги маҳалла қўмитаси

Лойиҳанинг мақсади Ўзбекистонда иқлим ўзгариши билан боғлиқ табиий офатлар ҳақида комплекс эрта огоҳлантириш тизимининг (КЭОТ) самарадорлигини ошириш ва қамровини кенгайтиришдан иборат. Мазкур тизим, ўсиб бораётган иқлим билан боғлиқ хатарларни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон аҳолисининг, шу жумладан хавфли тоғ ҳудудларида яшовчи энг заиф жамоаларнинг иқлим ўзгаришига чидамлилигини оширишга ёрдам беради.

ШТКЧМ нимани англатади?

ШТКЧМ фуқаролар ва жамоаларга шикоят ва таклифларни бериш учун қўшимча ва қулай канални тақдим этади, агарда лойиҳа уларга салбий ижтимоий ёки экологик таъсир кўрсатган ёки кўрсатиши мумкин деб ҳисоблаша.

Қуйидаги шикоят ва таклифлар ШТКЧМ томонидан кўриб чиқилади:

- ▶ лойиҳа фаолияти билан боғлиқ бўлса;
- ▶ лойиҳани амалга ошириш жараёнида етказилган ёки потенциал зарар бўлса;
- ▶ лойиҳа томонидан салбий таъсир бўлган деб ҳисоблаган шахс ёки жамоа томонидан берилган бўлса.

Шикоятда қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши жоиз:

- ▶ ариза берувчининг исми, фамилияси (ошкора шикоятлар учун), ҳамда зарур бўлганда махфийликни талаб қилинишини кўрсатиб ўтиш керак;
- ▶ етказилган ёки эҳтимоли бўлган зарарнинг тавсифи;
- ▶ етказилган зарарнинг тахминий сана ва вақти;
- ▶ зарар кўрган шахслар доираси, ҳамда ҳудудни.

Шикоятни бериш ва кўриб чиқиш тартиблари:

Шикоятни қабул қилиш ва рўйхатдан ўтказиш

- ▶ ариза берувчи, ШТКЧМнинг мавжуд каналларидан фойдаланган ҳолда шикоятни юборади;
- ▶ ШТКЧМ комиссияси шикоятни рўйхатдан ўтказиб, уни қабул қилинганлиги ҳақида аризага хабарнома йўллайди; ва шикоят қабуллик мезонларига мос келиши аниқланади.

Шикоятни кўриб чиқиш

- ▶ 5 иш куни ичида аризага ишнинг ҳолати тўғрисида хабардор қилинади;
- ▶ зарур бўлганда, аризадан қўшимча маълумот сўралади.

Ариза юзасидан қарор қабул қилиш

- ▶ Комиссия 14 кун ичида аризага ушбу масала бўйича ечимни тақдим этади;
- ▶ агар шу муддат мобайнида шикоят ижобий ҳал қилинмаса, аризани кўриб чиқиш муддати аризага хабар берилган ҳолда, 30 кунгача узайтирилиши мумкин;
- ▶ аризага қарордан қониққан ҳолда, комиссия қарорни ижро этиш бўйича топшириқ чиқаради;
- ▶ шикоятни кўриб чиқиш, шикоят тўлиқ қондирилгандан сўнг тугалланган ҳисобланади;
- ▶ агар шикоят 30 иш куни ичида ҳал қилинмаса, бу ҳақда аризага хабар берилган ҳолда, тегишли муассасаларга кўриб чиқиш учун тақдим этилади.

Кўп бериладиган САВОЛЛАР

ШТКЧМга нимага мурожаат қилиш керак?

ШТКЧМ - муаммоларни дастлабки юзага келган чоғида аниқлаб, шикоятларни қисқа муддатда ва самарали ҳал қилиш мақсадида, таъсир кўрган шахслар ва жамоаларга лойиҳа ва лойиҳанинг ижрочи ҳамкори билан тўғридан-тўғри алоқа қилиш имкониятини беради.

ШТКЧМни ким бошқаради?

Мазкур лойиҳа доирасида ШТКЧМни бошқарувчи шикоят ва таклифларни кўриб чиқиш комиссияси ташкил этилган.

Шикоят мурожаати учун хизмат ҳақи олинадими?

Шикоятни кўриб чиқиш бепул тарзда амалга оширилади.

ШТКЧМ бошқа мурожаат механизмларини ўрнини босадими?

Ушбу механизм аризагининг шикоятни кўриб чиқиш учун суд органлари ёки бошқа давлат муассасаларига мурожаат қилиш ҳуқуқини чекламайди.

Шикоят ва таклифларни юборишнинг муқобил усуллари мавжудми?

Фуқаролар ва жамоалар, имкон қадар, шикоятлар ва фикрларни лойиҳа доирасида кўриб чиқиш механизмини ишлатишлари лозим. Агар улар лойиҳа даражасида мавжуд ШТКЧМ каналларидан фойдаланиб, аммо натижадан қониқмаган тақдирда, БМТДнинг ҳисобдорлик механизмидан ёки Яшил иқлим жамғармасининг мустақил мурожаат қилиш механизмидан фойдаланишлари мумкин. Тўлиқ маълумот олиш учун: www.undp.org/secu-srm ва <https://irm.greenclimate.fund/>.

